

БАДИЙ ИЖОДГА МОДЕРНИСТИК ЁНДОШУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тангирова Дилбар Эшбоева
“Махсус педагогика” кафедраси
катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: классик, поэтика, тафаккур, усуллар, тадқиқот, нореалистик оқимлар, модернизм

АННОТАЦИЯ

ЎЗ. Жаҳон адабиётшунослигида модернизм фалсафа, санъат ва адабиёт соҳасидаги ноклассик қарашлар тизимини ифодаловчи, китобхонни ижодий жараёнга чорловчи ва унинг рецептив-эстетик қобилиятини фаоллаштирувчи —очик асар поэтикасининг асосий манбаси бўлиб, унинг моҳияти ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Маълумки, модернизм оқими XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарбада санъат ва адабиётдаги шаклларни узлуксиз янгилаб бориш, бадий ижоднинг –эски ва имкониятларини сарфлаб бўлган усулларидан воз кечиш, янгича дунёқараш ва ифода усуллари, интеллектуал эркинлик тамойиллари асосида майдонга келган эди. Кейинчалик бу оқим адабиёт, санъат соҳаларидан ташқари инсон тафаккурининг барча соҳаларига ёйилди ва уларнинг ривожланишига туртки берди.

Аннотация

РУ. В мировой литературе модернизм является основным источником поэтики открытой работы, которая представляет собой систему неклассических взглядов в области философии, искусства и литературы, побуждает читателя к творческому процессу и активизирует его рецептивно-эстетические способности, и по его сути было проведено много исследований. Известно, что течение модернизма на Западе во второй половине XIX века было основано на непрерывном обновлении форм в искусстве и литературе, отказе от старых методов и возможностей художественного творчества, новых мировоззрений и способов выражения, принципов интеллектуальной свободы. Позже это направление распространилось на все сферы человеческой мысли, кроме литературы и искусства, и стимулировало их развитие.

Abstract

EN. In world literature, modernism is the main source of open work poetics, which represents a system of non-classical views in the field of philosophy, art

and literature, encourages the reader to the creative process and activates his receptive-aesthetic abilities, and much research has been conducted on its essence. It is known that the current of modernism in the West in the second half of the XIX century was based on the continuous renewal of forms in art and literature, the abandonment of old methods of artistic creation, new worldviews and methods of expression, the principles of intellectual freedom. Later, this trend spread to all spheres of human thought, except literature and art, and stimulated their development.

XX аср адабиёти ўзининг услубий ва ғоявий ранг-баранглиги билан барча даврлар адабиётидан кескин фарқ қилади. Айнан XIX аср охири XX асрлар бошларида Европа ва Америкада одамларнинг дунёни ҳис этишлари ва борлиққа муносабатларида қатъий бурилиш юз берди. Туркистонда, у ижод аҳлига Биринчи жаҳон урушидан кейин ўз таъсирини кўрсата бошлади. Бу пайтга келиб Европа ва Россия санъати янги, аввал ўзига хос бўлмаган хусусиятларни бир қадар эгаллаб бўлган эди. Узоқ йиллик тарихи давомида санъат кўплаб инқирозларни бошдан кечирган, аммо бу галги ўзгаришларни илгариги таназуллардан бири сифатида баҳолаб бўлмасди. Санъат ўзининг классик нафосат билан йўғрилган идеалидан айро тушди, қайтариб ва таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Адабиётшунос Д.Қуроноунинг қуйидаги фикр буни асослайди: –Модернизм (фр. *moderne* – энг янги, замонавий) – XIX аср охири - XX аср бошларида оммалашган термин, санъат ва адабиётда декадансдан кейин майдонга чиққан нореалистик оқимларнинг умумий номи сифатида тушунилади. Табиийки, адабиёт ва санъатда кенг тарқалган мазкур ҳодиса бўш жойда пайдо бўлган эмас, унинг куртаклари аввалдан мавжуд эди.

—Асл бадиийлик ҳеч қачон оммавий бўлмаган. Бундай санъат ҳаммага тушунарли ҳам, ҳаммага маъқул ҳам бўлолмайди. Шўровий мафкура таъсирида санъатга санъат деб эмас, балки ҳаётнинг давоми, унинг қисми деб қарашга одатланилган. Энди ҳаётга ўхшамайдиган, уни акс эттирмайдиган, балки ўз ҳолича янги эстетик ҳаёт саналадиган чинакам санъат асарлари яратила бошланди. Бунинг учун ижодкорларда экспериментлар қилиш, синовлар ўтказиш, изланиш, хатолар қилиш ва уларни тўғрилаш имкони бўлиши керак.

Шунингдек адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев назарда тутганидек, жаҳонни модернистик тарзда қабул қилиш ва ифодалашдаги энг муҳим фарқлардан бири шундаки, ҳар қандай ҳодиса, унинг ҳар қайси унсур ва компонентлари (реализмдагидек) тарихий тараққиёт натижаси сифатида, айтиш мумкин, тарихийлик принциpidан юқорида, метафизик ҳодиса

сифатида тушунилади. Бундай алоқадорлик реаллик – асл реаллик, вақт – абадият каби энг асосий модернистик қарама-қаршиликлар асосида ётади.

Модернизм дастлаб назмда бўй кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам, П.Элюар (1895—1952) ва Л.Арагон (1897—1982) каби француз шоирлари сюрреализмнинг етакчи намоёндалари эдилар. Бироқ модерн услубида назмга нисбатан наср – М.Прустнинг —Йўқотилган вақтни изла (—В поисках утраченного времени), Ж.Жойснинг —Улис, Ф.Кафканинг —Қаср(—Замо) романларининг устуворлиги кўзга ташланади. Бу романлар адабиётда —йўқотилга деган ном олган авлодни келтириб чиқарган. Биринчи жаҳон уруши воқеаларига жавоб сифатида дунёга келди. Уларда инсоннинг маънавий, руҳий, ғайритабиий ҳолатлари таҳлил қилинди. Бу асарларнинг муштарак жиҳати шундаки, уларда француз файласуфи, интуитивизм вакили Анри Бергсон (1859-1941) томонидан кашф этилган —онг оқим таҳлили усулидан кенг фойдаланилганлигидадир.

Модернизмга хос умумий хусусиятлардан бири шуки, у объектив воқеликнинг тасвири ўрнига унинг ижодкор тасаввуридаги бадиий моделини яратишни мақсад қилади. Яъни бу ўринда воқеликни акс эттириш эмас, ижодкорнинг ўз-ўзини ифодалаш (қ. экспрессионизм) устувор аҳамият касб этади. Ижодда субъективликнинг олдинги ўринга чиқарилиши, мантикий билишдан **интуитив** билишнинг юқори қўйилиши, инсон ички оламида кечувчи тизгинсиз эврилишларга айрича эътибор берилиши, ижодкор шахс ижодий **тахайюли** ва у акс эттирган воқеликнинг бетакрор ҳодиса сифатида тушунилиши, ўз ўй-ҳисларини ҳеч қандай (маънавий, ахлоқий, сиёсий ва ҳ.) чекловларсиз ифодалаш ҳуқуқининг эътироф этилиши ҳам модернизмга хос хусусиятлардандир. Ижодий эркинлик нафақат ғоявий- мазмуний, балки шаклий изланишларда ҳам мутлақо дахлсиз. Бу ҳол модернизмдаги бадиий образ структураси, асарнинг субъектив ва объектив ташкилланиши, баён тарзи, сюжет-композицион қурилиши, тил хусусиятлари

– хуллас, адабий асарнинг барча сатҳларида шаклий ўзига хосликларни юзага келтирилганлиги ўз ифодасини топган.

Ўзбек адабиётида модернга бўлган интилиш шеъриятда яққолроқ кўзга ташланади. XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек поэзиясида бир қанча ижодкорлар модернча экспериментлар қилишга жазм эта олдилар. Бунинг биринчи сабаби инсон, айниқса, ижодкор шахс табиатидаги янгиликка интилиш бўлса, иккинчиси ўша даврдаги ижтимоий тузумдан норозилик кайфиятларини модернча услубда гавдалантириш эди. Модерн шеърият таъсири, айниқса, Чўлпон, Фитрат, А.Мухтор, Р.Парфи, А.Қутбиддин, Фахриёр сингари шоирларнинг ижодида кучлироқ сезилди.

Шундай бўлди-ки, Чўлпон ўзининг –Кўнгил янгилик қидирадир деган ёзғиришларида, Фитрат ўзининг —Адабиёт қоидаларда туркий шеърга янгилашиш кераклигини ўқтира бошладилар.

Фитратнинг шеърга мисол бўла оладиган —Нега бўйла шеъри анъанавий бармоқ қирғоқларидан ўзиб кетаётгандек, кўнгил изҳорининг ифодаси ўзига янги бир шаклни бичиб олгандек таассурот қолдиради:

Сен келгач, Кўнглимни

Қайғулар-ла, мотамлар-ла ўраган

Қора қалин пардалар Йиртилди.

Кўринадики, кўнгил манзарасини фақат чизгилаб ўтиш, шартларга имолаш, туйғуларга ишоралашдек модерн шеъриятга хос хусусиятлар Фитрат шеъриятида ҳам уч берган эди. Унинг баъзи шеърларидан ўзингиз маъно яратасиз. Фаол ижодкорга айланасиз. Бу эскига қарши янгилик эмас, ўша эскининг замирида ётган, энди очилаётган, сиз очаетган анъана. Бу анъанага шоир атайлаб амал қилолмайди ёки янгича тафаккур даъвоси уни инкор ҳам эта олмайди.

Уларнинг қаламидан тўкилган оҳорли мисралар кейинчалик бу шоирларни ўзларига маънавий устоз санаган ўзбек шоирлари шеърларида

—Гурс этиб тушади кўз ёш томчиси... (Асқад Мухтор), —Оташин музларга исинайлик, юр. Ёнгинли дарёда қулоч отайлик... (Рауф Парфи), —Юрак.. эрка ихтисослашган (Фахриёр), —Митти бир лаҳзага сифсак иккимиз...(Абдували Қутбиддин) каби кутилмаган ташбеҳларни, тафаккур торларини чертадиган —теша тегмаган метафораларни юзага келтирди, модерн шеърнинг ўз қаддини тутиб олишига йўл очди.

Ўзбек модерн шеърияти ҳақида гап кетганда Асқад Мухтор шеъриятига алоҳида тўхталиш зарур. Асқад Мухтор XX асрнинг иккинчи ярмида замонавий шеъриятга янги оҳанглар, янгича ифода ва изҳор тарзини жорий эта бошлади. Адабиётда дўстлик хусусида қанчадан қанча шеърлар, қасидалар битилган. Бироқ, А.Мухторнинг —Дўст ўлимига деб номланган шеъри тасвирнинг оригиналлиги, изҳор тарзининг янгилиги билан бу асарларнинг ҳеч бирига ўхшамайди:

Мен сени тушимда кўрдим чамаси

Умр йўлларида бахт, дард, тўлғаниш...

Қандай ажойиб туш бунинг ҳаммаси!

Ва қандай мусибат бирдан уйғониш!

Менинг ҳам баргларим тўкилаётир,

Қувонч маст қилмайди чопса омадим.

Нотаниш ночорлик солар ҳавотир,

Сени ҳам ардоқлаб қола олмадим.

Мен нима, мен фақат шомда бир шивир,
Мен она кўзида йилтиллаган нам
Ёки турналарнинг видо кўшиғи...
Фақат уҳ деёлдим ўша тонгда ҳам.

Шеърда —чархнинг кажрафторлиг, —дунёнинг бебвафолиг каби мусибатни акс эттирадиган анъанавий тасвир йўқ. Инсон умрининг —шомда бир шиви, —она кўзида йилтиллаган на, —турналарнинг видо кўшиғи..га қиёсланиши шеърятимиз учун янги, ҳиссиётларни жунбушга соладиган, кўнгил мусибатини аниқ ва тиниқ кўрсатадиган тасвир. Дўстнинг ўлимидан ларзага тушган қалбнинг фарёдини биргина —у товуши ифода этапти. Мусибат залворини биргина товушга ортиш ўзбек шеърятини учун янги ҳодиса эди.

Яна шундай ижодкорларимиздан бири – истеъдодли шоир Рауф Парфи модерн шеърятни янги поғонага кўтара олган шоирлардан. Унинг ўзига хос поэтик мушоҳада услуби шеърятимизда алоҳида ижодий мактаб даражасига кўтарилди. Ҳассос шоирнинг қарийб барча шеърларида инсон эрки, озодлик куйланади ва шу эркка тажовуз солаётганларга нафрат сезилиб туради. Масалан, —Виктор Харанинг сўнгги кўшиғи шеърига эътибор берайлик. Маълумки, Чилининг кўшиқчи шоири Виктор Хара Августо Пиночет бошчилигидаги Хунта томонидан Сантягонинг марказий стадионларидан бирида, озодлик кўшиғи, эрк гимнини куйлагани учун, ўзининг қасоскор шеърлари туфайли беш минг маҳбус олдида панжалари, сўнг қўллари кесиб ўлдирилган. Р.Парфи шу воқеани ўз шеърига тўлалигича киритади:

Оҳ, сўнгги кўшиқни куйламоқ бунчалар қийин,
Виктор Харанинг кўзлари ўнгида
Унинг суюк она-Ватанини –
Етти торли муқаддас созини синдирдилар.
Сўнг унинг сарбаст кўшиқларига жўровоз бармоқларини кесиб
олишди. Бир эмас,
Икки эмас, Уч эмас...
Унинг ўн фарзандини –
Бармоқларини сўйди жаллодлар,
Ўзинг яратдингми шуларни, Тангрим!

(Рауф Парфи, “Туркистон руҳи”, 154-б). Ушбу шеърнинг изҳори насрий (эпик) услубга яқин, яъни ровий ривоятидек ўқувчига таассурот қолдиради. Бироқ тасдиқ, инкор, такрор, хитоб, фожиа ҳолатининг лаконик тасвири уни лирика қонуниятларига бўйсундирмоқда.

Шеър давомида оғир ўй-кечинмалар —Сўнгги кўшиқни куйлаш бунчалар кийин, —Оғир, кўп оғир, —Оғир нақадар, —Нақадар оғир тарзидаги такрорларга уланиб, Виктор Харанинг рухий ҳолати ва матонатидан, ундаги эътиқодга бўлган комил ишончдан ўқувчини огоҳ қилиб туради.

Худди мана шу йўналишда ижод қилган шоирлардан бири Абдували Қутбиддин шеърлятида ҳам поэтик мушоҳада услубининг ўзига хослигига дуч келамиз. Шоирнинг жуда кўплаб шеърлари модерн кайфият таъсирида ёзилган. Шоирнинг —Модерга кўшимча изоҳ номли шеърида сиртдан қаралганда куз фаслига муносабат билдирилаётгандай туюлади. Лекин бу шеърдан ўқувчи бир қанча маъноларни илғаб олади:

Балчиқдан-балчиққа ағанаётган –

Сап-сарик сояга сиғинаётган –

Сентябр-октябр-ноябр –

Ая-маъжуз ўйнашисан куз

Мумтоз анъаналаримизни замонавий кўринишда ифодалаш Абдували Қутбиддин поэтик услубини белгилайдиган омиллардан биридир. Куз фасли моҳият эътибори билан кўнгилга аллақандай маҳзунлик, мискинлик бахш этадиган фасл. Жаҳон адабиётининг энг етук намуналарида, жумладан, М.Бульгаковнинг —Уста ва Маргарита, Габриэль Маркеснинг —Ёлғизликнинг юз йилида куз, ёмғир тасвирлари орқали ана шундай рухий ҳолат ифода этилади.

—Қиссаси Рабғузидда нақл этилишича, одамзод лойи қирқ йил ёмғирга тўйинади. Ана шу қирқ йилнинг ўттиз тўққиз йили қазғу, яъни қайғу ёмғири эди.

Хуллас, А.Мухтор, Р.Парфи, Фахриёр, А.Қутбиддинлар аксарият шеърлари структурасининг асосини айнан метафора ташкил қилади. Метафора нафақат алоҳида олинган шеърларни ташкиллаштиради, балки кўп қатламли метафора А.Мухторнинг —Йилларим, Р.Парфининг —Тавба, Фахриёрнинг —Аёлғу, А.Қутбиддиннинг —Бор шеърини тўпламлари ҳар бирининг бош субъекти – китобнинг номланишига туртки бўлган.

Адабиётлар:

1. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: —Янги аср авлод.2006
2. Фитрат А Чин севиш. – Тошкент:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996йил.
3. Холова М. Замонавий шеърлятда поэтик тимсол Тил ва адабиёт муаммолари. Илмий мақолалар тўплами.- Самарқанд.2013.

4. Akramova, X. (2020). Aqli zaif ўқувчиларни компьютер технологиялари асосида меҳнат кўникмаларини шакллантириш. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-9. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4013

5. Akramova, X. (2020). Коррекционно-педагогические обобщенности формирование навыков здорового образа жизни у детей с умственной отсталостью в семейных условиях. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/918

6. Akramova, X. (2020). Социально-педагогическая работа с детьми дошкольного возраста. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/674

7. Akramova, X. (2020). Didactic Foundations of Labor Activity for Children with Intellectual Disabilities. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/682

8. Akramova, X. (2020). Методика формирования общих трудовых навыков у умственно отсталых учеников через компьютерные мультимедийные программы. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(12), 1-7. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3182

9. Akramova, X. (2020). Methods of developing general work skills in mentally retarded students through information programs. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/697

10. Akramova, X. (2020). Peculiarities of the labor activity of mentally retarded pupils. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/897

11. Akramova, X. (2020). Aqli zaif o'quvchilarda axborot dasturlari vositasida umumiy mehnat ko'nikmalarini shakllantirish metodikasi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/916

12. Akramova, X. (2020). Замонавий мультимедиа воситаларидан фойдаланиш - муваффақият гарови . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(12), 1-5. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3162

13. Akramova, X. (2020). Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий педагогик фаолият технологияси. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-5. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3994

14. Akramova, X. (2020). Mehnat darslarida aqli zaif bolalar nutqini o'stirishning o'ziga xosligi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-5. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4025

15. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). The importance of modern technical devices in the development of hearing. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(64). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6183

16. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). Болаларнинг мактабга психологик тайёргарлиги масалалари . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(70)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6303

17. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). The importance of cochlear implant in the educational system of children with hearing disorders . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(80)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6742

18. Muzaffarova, X. (2020). Maktabgacha ta'lim muassasalarida mediata'limni joriy etish.

19. Muzaffarova, X. (2020). Intellektida nuqsoni bo'lgan maktabgacha yoshdagi bolalarning rivojlanish xususiyatlari.

20. Akramova, X. (2020). Maktabgacha yoshdagi bolalar bilan olib boriladigan ijtimoiy pedagogik faoliyat texnologiyasi.

21. Muzaffarova, X. (2020). ДИДАКТИК ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ПЕДАГОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7483

22. Muzaffarova, X. (2020). АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР БИЛАН КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВЛАР: UZ АКАДЕМИYA. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7485

23. Muzaffarova, X. (2020). Oligofrenopedagogikada foydalaniladigan tadqiqot metodlari. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6710

24. Muzaffarova, X. (2020). Ўзбекистонда баклавр педагогларни тайёрлашнинг инновацион моделлари. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6707

25. Muzaffarova, X. (2020). Pedagogik texnologiyalar va ularni maxsus ta'lim muassasalariga tadbiiq etish . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(92)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6711

26. Muzaffarova, X. (2020). THE CORRECTIVE IMPORTANCE OF INCLUSIVE EDUCATION FOR CHILDREN WITH DISABILITIES. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(94)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2537

27. Muzaffarova, X. (2020). DIZARTRIYANI BARTARAF ETISH BO'YICHA OLIV BORILADIGAN LOGOPEDIK TA'SIR TIZIMI. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(90)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6306

28. Muzaffarova, X. (2020). БАДИИЙ АДАБИЁТ - БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНИШИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Архив Научных*

Публикаций JSPI, 1(88). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6825

29. Muzaffarova, X. (2020). Aqliy rivojlanishida muammosi bo'lgan kichik maktab yoshdagi o'quvchilarning eshitish idrokini rivojlantirishda didaktik o'yinlardan foydalanish. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(81).* извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6724

30. Muzaffarova, X. (2020). Maxsus maktablarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarning o'ziga xosligi. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(81).* извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6727

31. Muzaffarova, X. (2020). ESHITISHIDA NUQSONI BOR O'QUVCHILARIGA ARIFMETIK AMALLARNI BAJARISHDA AXBOROT TECHNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH USULLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(81).* извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6750

32. Muzaffarova, X. (2020). Duduqlanuvchi bolalar bilan olib boriladigan logopedik - korreksion ishlarni to'g'ri tashkillashtirish usullari. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(80).* извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6731

33. Muzaffarova, X. (2020). Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni rejalashtirish va ularga bo'lgan talablar. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(80).* извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6737

34. Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNI. *Архив Научных Публикаций JSPI.*

35. Majidov, J. (2020). PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF THE LEADER PERSONALITY. *Архив Научных Публикаций JSPI.*

36. Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI.*

